



ҚАРОРИ

ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри

Нукус қаласы

№ 474

« 7 » июль 2017 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги
“Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги
ПФ-5106-сонли Фармони ҳақида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлигидан далолат бермоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало ёшлар вакилларининг тақлиф ва мулохазаларини эътиборга олган,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

а) Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганлиги;

б) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун - 30 июнь санаси – мамлакатимизда “Ёшлар кун” деб эълон қилинганлиги;

в) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланлиги:

биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантирилиши;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик гоёларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафқуравий таҳдидлардан асраш;

учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавийли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириши;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятларини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришларига қўмақлашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадиий китобларни, шу жумладан электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафқуравий таҳдидларга, хусусан диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт гоёларга қарши мустақам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила мукаддаслиги гоёларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишини олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириши;

еттинчидан, ёшларни, айниқса уларнинг уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, шу жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиши;

саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-

куватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиши;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиши;

ўнинчидан, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этилиши;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қиладиган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириши;

ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериши.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўъбаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати** ташкил этилганлиги;

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгиланганлиги:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиши;

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиши;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам курсатишни ташкил этиш;

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий – кадрлар хизмати бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фаолиятини ташкил этиш

тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойҳасини киритилиши

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимида кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси хисобланиши белгиланганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштириш назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойҳасини ишлаб чиқиш ва киритилиши.

ж) Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши иловага мувофиқ таркибда ташкил этилганлиги;

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиши;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириши;

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш белгиланганлиги;

з) Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, шаҳар ва туманлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқланиши.

и) Буюк давлат арбоби ва саркарда Саҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилиши.

к) Ёшларнинг илимий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритилиши.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари, «Ёш куч» журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган «Ёшлар нашириёти уйи» ташкил қилиниши.

Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгаши Республика хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда «Қизларжон» журналини таъсис этилганлиги.

к) Халқ таълими вазирлиги, Олий ўқув юртлиари, Ўрта махсус таълим бошқармаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

-“Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивалларини;

-“Биз Ватанга таянчимиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, халқ қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акцияларни;

-“Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

-республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор халким билан мулоқот-ижодим илхоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

-“Энг буюк жасорат-маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаши топширилганлиги;

л) Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга, Ўзбекистон ёшлар иттифоки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қурилишини, Бухора ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва пойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойҳасини:

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тарикасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифокининг тегишли кенгашлари ихтиёрига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, шу жумладан кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларни, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюлмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-

хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури лойҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги.

м) Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгашининг:

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлигини жорий этилганлиги;

ўрта махсус, касб-хунаар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юқлатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунаар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ҳар ойлик устама белгиланганлиги;

Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш;

- юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиши;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиши;

- 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифокининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;

-таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солигини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтирилиши;

-Ўзбекистон ёшлар иттифоки қошида турли фанлар, шу жумладан, чет тилларни ўргатиш компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шуъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифокининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланганлиги.

н). Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизматида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янгиланган устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойҳасини киритиши;

“Мард ўғлон” ва “Келажак бунёдкори” давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунгилик палатасига киритиш бўйича таклиф тайёрлаш топширилганлиги.

о). Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини саклаш ҳаражатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ҳисобидан қопланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати ижтимоий ривожлантириш ва манъавий–марифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари–хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланиши;

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келадиган ходимларга ўй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови Ўзбекистон ёшлари иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврианти ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқари бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракт микдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланганлиги.

п). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қуватлаш, уларнинг ўй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларига мўлжалланган Ёшлар ўйларини барпо этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашини;

Ёшлар ўйларини барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, кишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон ўйлар ёшларнинг ўй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилганлиги белгиланганлиги.

р) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи билан биргаликда бир ой

муддатда Қорақалпоғистон ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳар кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “дамас” автомобилларини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш топширилганлиги.

с). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

- туман ва шаҳар марказларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш;

- фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминлаш топширилганлиги.

т). Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва “Ўзбектелеком” АКнинг “ЁШЛАР” телерадиоканали” АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон ёшлари иттифоқига бериш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига Ўзбекистон ёшлари иттифоқи билан биргаликда “Yoshlar” телерадиоканали” АЖ фаолияти такомиллаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш топширилганлиги;

у). Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очик мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этиш топширилганлиги.

ф). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

- туман ва шаҳар марказларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш;

- фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иктисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифокининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминлаш топширилсин.

4. Туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари:

ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очик мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсинлар;

шаҳар ва туманлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузсинлар.

5. Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмаклашиши;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириши;

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш белгилансин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Қ.Бектурдиев), Олий ўқув юртлири, Ўрта махсус таълим бошқармаси (А.Аяпов) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Кенгаши, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

-“Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивалларини;

-“Биз Ватанга таянчимиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва сунчимиз, халқ қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акцияларни;

-“Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

-республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор халқим билан мулоқот-ижодим илхоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

-“Энг буюк жасорат-маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг таъминлаш топширилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К. Сариев

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2017 йил « 4 » июлдаги
424 -сонли қарорига илова

Ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси идоралараро
кенгаши
ТАРКИБИ

1.	Қ.Сариев	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, <i>Идоралараро кенгаш раиси</i>
2.	М.Содиқов	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, <i>Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари</i>
3.	М.Жуманов	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, <i>Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари</i>
4.	М.Алеуов	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, <i>Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари</i>
5.	З.Ибрагимова	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, <i>Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари</i>
6.	А.Данияров	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Раиси, <i>Идоралараро кенгаш раиси ўринбосари</i>
7.	Қ.Бектурдиев	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири
8.	А.Аяпов	Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус касб-хунар таълим бошқармаси бошлиғи
9.	А.Убайдуллаев	Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
10.	А.Тажетдинов	Қорақалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазири
11.	Д.Ходжиев	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири
12.	П.Айтмуратов	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири
13.	У.Сабуров	Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
14.	А.Темирханов	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири
15.	Б.Бегабаев	Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи
16.	Ж.Садықов	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири
17.	Б.Мнажов	Ўзбекистон Республикаси ахборот

		технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи
18.	А.Сапарбаев	Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси раиси
19.	Ғ.Байниязов	Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси
20.	Б.Алланиязов	Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бошлиғи
21.	Қ.Нагметов	Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси директори
22.	А.Бекмуратов	Қорақалпоғистон Матбуот ва ахборот агентлиги директори
23.	Б.Низаматдинов	«Қорақалпоқ кино» агентлиги директори
24.	Ж.Турдимуратов	Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори
25.	Б.Кудайназаров	Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели бошлиғи
26.	Ғ.Раджапов	Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими директори
27.	Т.Романов	Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республика бўлими раиси
28.	У.Жалменов	Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбари
29.	Ш.Аяпов	Қорақалпоғистон Республикаси маънавият тарғибот маркази раҳбари
30.	Х.Қайпназаров	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи
31.	С.Сейтназаров	Ўзбекистон фермерлар кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи
32.	Қ.Разбеков	Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раҳбари
33.	Т.Байжанов	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Ёшлар сиёсати, маънавий-маърифий масалалари бўйича котибият бошлиғи, <i>Идоралараро кенгаш котиби</i>
34.	Лавозимига кўра	Шаҳар ва туманлар ҳокимлари

Изоҳ: Республика идоралараро кенгаш аъзолари бошиқа ўзинг ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.